



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2016 йил 23 апрель, № 80 (6515) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ РОССИЯГА РАСМИЙ ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Президент Владимир Путиннинг тақлифига биноан 2016 йил 25-26 апрель кунлари расмий ташриф билан Россия Федерациясида бўлади.

Ташриф давомида давлат раҳбарлари Ўзбекистон — Россия ҳамкорлигининг долзарб масалаларини муҳокама қиладилар, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик айрим муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Музокаралар якуни бўйича Ўзбекистон билан Россиянинг турли соҳалардаги ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантиришга қаратилган қатор ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган.

Маҳалла сайловининг ташкिलий-ҳуқуқий асослари

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш, фуқаролик жамияти институтларини, хусусан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ривожлантириш йўлида кенг кўламли саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Натижада ноёб бошқарув тизими — маҳалланинг нуфузи юксалиб, аҳолини аниқ манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, умуман, жамиятда аҳиллик, бирдамлик ва тотувликни мустаҳкамлашдаги ўрни ҳамда таъсири тобора ортиб бораётди.

КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Маҳалла институтига қаратилаётган бундай катта эътибор бугун юртимизда олиб борилаётган сиёсатнинг халқчиллигидан далолатдир. Қолаверса, унинг ҳуқуқий асоси изчил мустаҳкамланаётгани шу йўналишдаги ишлар кўламини янада кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Бинобарин, 2013 йил 22 апрелда қабул қилинган янги таҳрирдаги "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловини ўтказиш тартиби янада такомиллаштирилди. Унга киритилган ўзгариш ҳамда қўшимчалар сайловнинг ошқоралигини таъминлаш ва уни ташкил этиш ҳамда ўтказишда давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ролини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Айни чоғда юртимизда май — июнь ойларида ўтказиладиган фуқаролар йиғинлари сайловига қизгин тайёргарлик кўрилмоқда. Жойларда ташкил этилаётган турли тадбирлар, семинар ва давра суҳбатлари аҳолининг бўлажак сайлов билан боғлиқ билимларини янада мустаҳкамлаш, ушбу муҳим тадбирда фаол қатнашишларини таъминлашда муҳим

аҳамият касб этади, албатта. Шу ўринда сайловга тайёргарлик босқичида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳам фаоллик кўрсатаётганини қайд этиш зарур. Улар ўз сайловчилари билан учрашувларда, шунингдек, жойларда маҳалла аҳли билан мулоқотларида сайлов жараёнини демократик тамойиллар асосида ўтказиш юзасидан тушунтириш ишларини олиб бормоқдалар.

Маълумки, фуқаролар йиғини раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ўтказишда кўмаклашувчи комиссиялар тuzилган бўлиб, улар самарали фаолият олиб бораёти. Ўз навбатида, мазкур комиссиялар томонидан фуқаролар йиғини раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича тузилган ишчи гуруҳлар фаолияти мувофиқлаштириб келинмоқда.

(Давоми 2-бетда).

ЛОГИСТИКА — ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНИ



Иқтисодий лугатимиздан "логистика" деган сўзнинг жой олганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. У аниқ ҳисоб-китоб қилиш санъати, оқилона бошқариш тизими, деган маъноларни англатади. Логистиканинг тарихий илдизлари эса олис замонларга бориб тақалади.



ИСЛОХОТ

— Қадимий Буюк Ипак йўлидаги карвонсаройларда ўша давр логистикасига хос хизматлар кўрсатилган, — дейди Тошкент автомобиль-йўллар институти проректори Анвар Назаров. — Одатда, карвонлар учун мўлжалланган бинолар бир кунлик йўл ҳисобга олинган ҳолда қурилган. Келтирилган юклар ана шу ерда тақсимланиб, ўз ман-

зилларига етказилган ёки бошқа юртларга юборилган. Яъни замонавий логистиканинг вужудга келишида юртимизнинг улуши жуда катта бўлган. Логистиканинг энг гуркураган даври Амир Темур бобоимиз ҳукмронлик қилган йилларга тўғри келади. Соҳибқирон ўз тузукларида шундай деб ёзади: "Мен салтанатимнинг бу томо-

нидан то нарғиғача (бу Дехлидан то Болқонгача деганидир — таъкид бизники) бир ёш боланинг бошига бир лаган марваридни қўйиб, яёв йўлга солиб юборилса, у манзилга етгунча йиллар ўтар, бу бола улғаяр, лекин унинг бошидаги лагандан бир дон марварид тўкилмайдиган даражага етказдим..." Демак, логистика қадим

замонлардан буён юклар муҳофазасини ўз ичига қамраб олган ва ҳозирги кунда ҳам шундай. Қолаверса, маҳсулотларни экспорт қилиш, яёв йўлга солиб ташиш, ишлаб чиқаришни янгилаш, инновацион технологияларни жорий этиш каби жараёнларни маҳорат билан йўлга қўйиш ҳам замонавий логистика хизмати билан чамбарчас боғлиқ. Маз-

кур вазифани бугунги кунда юк ташувчи қудратли ҳаво лайнерлари, кемалар, темир йўл ҳамда автомобиль транспорти бажариб бермоқда. Маълумотларга қараганда, айни пайтда дунёда 3000 дан ортиқ логистика маркази фаолият кўрсатапти.

(Давоми 2-бетда).

Хавфсизлик, қулайлик ва замонавийлик

йўловчиларга хизмат кўрсатишнинг асосий талабидир

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикасининг "Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида"ги Қонуни ижросини ўрганиш натижалари кўриб чиқилди.

ПАРЛАМЕНТ ҲАЁТИ

Мажлисида тегишли вазирлик ҳамда идоралар, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда мутасадди ташкилотлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди. Таъкидланганидек, мамлакатимизда замонавий инфратузилманинг муҳим таркибий қисми ҳисобланган транспорт хизмати соҳаси давр билан ҳамқадам ривожланиб бормоқда. Хусу-

сан, хориждан ва юртимизнинг турли ҳудудларидан келган меҳмон ҳамда сайёҳлар билан ҳамisha гавжум пойтахтимизда йўловчиларга сифатли хизмат кўрсатиш қамрови кенгайиб бораётди. "Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида"ги Қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ, йўловчилар ҳаёти, саломатлиги, мол-мулки, уларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиши таъминладиган барқарор механизм яратилгани бунда муҳим омил бўлмоқда.

Маълумки, ҳар куни Тошкент шаҳрида транспорт корхоналари томонидан 235 йўналиш бўйича йўловчиларга хизмат кўрсатилапти. "Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида"ги Қонун ижросини ўрганиш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, пойтахтимизда йўловчилар ташиш хизмати такомиллашиб, тармоқдаги корхона ва ташкилотларнинг иш самардорлиги ошиб бораётди. Бунда йўловчиларга барча қулайликни яратиш, транспорт воси-

таларининг йўналишларда белгиланган жадвал бўйича оралиқдаги вақтга қатъий риоя этган ҳолда эътибор қаратилаётгани айни мудоаодир.

Бундан ташқари, йўловчилар хавфсизлигини кафолатлаш юзасидан ҳам тизимли ишлар олиб борилапти. Жамоат транспортларининг техник ҳолати белгиланган тартибда мунтазам текшириляпти. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси томонидан ўтган йили рейдлар ўтказиш чоғида бу борада аниқланган камчиликлар ўз вақтида бартараф этилди.

(Давоми 2-бетда).

МУНОСАБАТ

Бугун юртимизда Президентимиз раҳнамолигида барча соҳада, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги тармоғида ҳам кенг кўламли ислохотлар босқичма-босқич, изчил амалга оширилмоқда. Қишлоқ ҳудудларида саноатни олиб кириш, кўп тармоқли фермер хўжаликларини ташкил қилиш, қишлоқ инфратузилмасини ҳар томонлама ривожлантириш орқали халқимиз фаровонлиги таъминланиб, мамлакатимиз янада тараққий этапти.

Қишлоқ хўжалиги ва озик-овқат саноатини ривожлантиришнинг янги босқичи

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 12 апрелдаги "Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида"ги қарори соҳада олиб борилаётган саъй-ҳаракатларни янада кенгайтириш, уни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишнинг муҳим омилдир, десак, асло мулобага бўлмайд.

Бинобарин, ушбу ҳужжат юртимиздаги қайта ишлаш корхоналарини хом ашё ресурслари билан мунтазам таъминлаш, ички истеъмол бозорини йил давомида сабзавотлар, картошка, мева ҳамда полиз маҳсулотлари билан барқарор тўлдирish, ташкилотларда рақобатдош бўлган ҳўл мева ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажмини кенгайтириш ҳамда турини кўпайтириш сингари мақсадларга қаратилгани билан ниҳоятда аҳамиятлидир.

Барчамизга маълумки, жаҳон миқёсида давом этаётган молиявий-иқтисодий инқироз туфайли кўпгина мамлакатларда иқтисодийнинг етакчи соҳалари, хусусан, қишлоқ хўжалиги жиҳидий таназзулни бошдан кечирмоқда. Натижада қатор давлатларда озиқ-овқат танқислиги, одамлар тўйиб овқатланмаслиги сингари салбий ҳолатлар кузатиляпти. Ана шундай мураккаб шароитда Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноатида улкан ютуқ ҳамда марраларга эришилапти. Ўз навбатида, бу дунё ҳамжамиятида алоҳида эътирофини топаётгани эътиборга моликдир.

Яқинда Европанинг энг тараққий этган мамлакатларидан бири — Испания пойтахти Мадрид шаҳрида "Ўзбекистон агро саноат тизими" мавзусида ўтказилган бизнес-форум фикримизга яққол мисол бўла олади.

(Давоми 2-бетда).

2016 йилнинг дастлабки уч ойида юртимизда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми

7 фоиз ўсди.

Саноат тармоқларини модернизациялаш ва диверсификациялаш, шу жумладан, маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлашни босқичма-босқич кўпайтириш, қўшимча қийматга эга маҳсулотлар тайёрлаш ҳажми ҳамда турини кенгайтириш, ҳудудларнинг саноат салоҳиятини ошириш бўйича қўрилган чора-тадбирлар туфайли ана шундай ижобий натижа қўлга киритилди.



БИР РАҚАМ ШАРҲИ



»» Бунёкор эл шижоати

»» Ризқ-рўзимиз манбаи

»» Оила мустаҳкам бўлса — жамият барқарор

(Давоми 2-бетда).

Хавфсизлик, қулайлик ва замонавийлик

Йўловчиларга хизмат кўрсатишнинг асосий талабидир

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Амалдаги қонун ҳужжатларида мувофиқ, ташувчининг фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта қилинади. Утган йили ноябрь ойида қўлга кирган "Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги Қонун асосида соҳадаги қорхоналар ҳамда суғурта компаниялари ўртасида йўловчиларнинг ҳаёти, соғлиги ва мол-мулкига етказилган зарарни қоплаш борасида ташувчининг фуқаролик жавобгарлиги юзасига қандайдиган мулкнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида шартномалар тузилди.

Муствақиллик йилларида йўловчиларга юксак хизмат кўрсатиш маданияти намунасига айланган Тошкент метрополитени уч йил ишлашга эга бўлиб, улардаги темир йўлларнинг умумий узунлиги сақсон километрни ташкил этади. Метрополитен линияларида

поездлар ҳаракатланиши қоидалари ҳамда нормаларини, тиббий-санитария ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш чоралари кўрилган. Алоқа воситалари, сув таъминоти ҳамда вентиляция тизимлари ва бошқа техник воситалар соҳада сақланмоқда.

— Мажлисда жамият ижтимоий, иқтисодий ҳамда маданий ҳаётининг асосий кўрсаткичларидан бири — жамоат транспорти тизимида рўёбга чиқарилаётган саъй-ҳаракатлар Тошкент шаҳри мисолида муҳокама қилинди, — деди Олий Мажлис Сенати Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Ф. Дадаходжаев. — Жамоат транспорти хизматларида дахлдор масалалар бўйича фуқароларнинг муносабатларини қабул қилишда замонавий ахборот-коммуникация воситаларидан фойдаланилаётгани, интерактив хизматларнинг йўлга қўйилгани унинг иқобий натижаларини бераётгани

диққатга сазовор жиҳатлардан биридир. Айни пайтда соҳадаги қонун ҳужжатларида сўзсиз риоя қилиш орқали йўловчиларга кўрсатилаётган хизматлар сифатини тобора яхшилаш, жамоат транспорти ҳайдовчиларининг этикаси ва касбий маданиятини ошириш, улар иштирадида йўл-транспорт ҳодисаси содир этилишининг олдини олиш, транспорт воситаларини техник кўриқдан ўтказиш, улардан фойдаланиш мўддатларига амал қилиш, ҳайдовчиларни мунтазам тиббий кўриқдан ўтказиш масалаларига янада жиҳдий ёндашиш зарур.

Иштирокилар халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши мазкур соҳада депутатлар назоратини кучайтириши муҳим эканлигига ургу бердилар.

Мажлис аъзолари бўйича тегишли қарор қабул қилинди.

Фарида МАҲКАМОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Фуқаролар йиғини раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил қилиш ҳамда ўтказиш бўйича амалга ошириладиган тadbирлар самараси, ҳар томонлама муносиб номзодларни фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари лавозимларига кўрсатиш ишчи гуруҳлар фаолияти билан чамбарчас боғлиқ. Чунки айнан ишчи гуруҳлар сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишда аҳолига энг яқин бўлган ташкилий тузилма сифатида фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши), фуқаролар вакиллари сайлови бўйича умумий йиғилишлар ўтказилишини таъминлайди.

Ишчи гуруҳлар таркибига фуқаролар йиғинининг, тегишли ҳудудда жойлашган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари, шунингдек, халқ депутатлари тегишли туман (шаҳар) Кенгашларининг депутатлари киритилиши мумкин эмаслиги қонунда белгиланган. Бу эса ишчи гуруҳнинг ўз фаолиятига муваққил ва ҳолисона ёндашишини таъминлайди. Шу билан бирга, ишчи гуруҳлар томонидан амалга ошириладиган муайян ҳаракатлар

Маҳалла сайловининг ташкилий-ҳуқуқий асослари

га, қабул қилинадиган у ёки бу қарорларга раис ҳамда унинг маслаҳатчилари ўз таъсирини ўтказо олмайд.

Бундан ташқари, фуқаролар йиғини раиси ёки унинг маслаҳатчилари лавозимига номзодлар кўмаклашувчи комиссияга ёхуд ишчи гуруҳга аъзо шахслар ёки уларнинг яқин қариндошлари орасидан кўрсатилган тақдирда, улар кўмаклашувчи комиссияга ёхуд ишчи гуруҳ таркибидан чиқарилиши ҳам сайловнинг ҳолис, очик ва шаффоф ўтишига хизмат қилади.

Ишчи гуруҳ таркибига халқ депутатлари тегишли туман (шаҳар) Кенгашлари депутатлари киритилиши мўхтаётган фуқаролар йиғини раиси ҳамда унинг маслаҳатчилари лавозимларига ўтказиладиган сайлов салоҳиятини ошириши билан бир қаторда, ҳам номзодларнинг, ҳам овоз берувчиларнинг сайловда маъсулият билан иштирок этишига зарур шароит яратилиши таъминлайди. Шу билан бирга, ишчи гуруҳлар томонидан амалга ошириладиган ваколат мўддати

навбатдаги сайлов эълон қилингунига қадар давом этади. Бу эса ана шу вақт мобайнида бўшбоқ қоладиган фуқаролар йиғини раислари ва уларнинг маслаҳатчилари лавозимларига сайловларни белгиланган мўддатда ташкил қилиш ҳамда ҳудудда амалга ошириладиган ислохотлар изчиллигини таъминлашда айни мўддаодир.

Фуқаролар йиғини аъзоларини рўйхатга олиш фуқаролар йиғини раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловни ташкил этишда асосий ташкилий масала ҳисобланади. Сайловчилар рўйхатини тузиш ҳар бир сайловчига ўзининг сайлаш ҳуқуқини рўёбга чиқариши учун имкон беради. Айни пайтда ишчи гуруҳ томонидан сайловни юқори даражада ўтказиш юзасидан аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Кўмаклашувчи комиссиялар ҳамда ишчи гуруҳлар фуқаролар йиғини раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловни ташкил қилиш ва ўтказиш масалаларига доир фуқароларнинг мурожаатла-

рини ҳам кўриб чиқиш ваколатига эгадир. Бу жараённинг ошқоралигини кафолатлаши борабаридан, унинг иштирокчилари томонидан қонун ҳужжатлари талабларига тўлақонли риоя этилишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Бўлажак сайловларга мамлакатимиз бўйлаб амалга оширилаётган кенг қўламли тайёргарлик ишлари фуқаролар йиғинлари раислари ҳамда уларнинг маслаҳатчилари лавозимларига энг муносиб номзодларнинг сайланганини таъминлашга қаратилган. Зеро, улар маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тadbиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини самарали амалга ошириш ҳамда бошқа кўплаб вазифаларни рўёбга чиқаришга муносиб ҳисса қўшадилар.

Мухтабар ХУСАНОВА, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.

Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноатини ривожлантиришнинг янги босқичи

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мазкур анжуманда қатнашган Испания вазирилик ва идоралари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришга иқтисослаштирилган йирик қорхоналар раҳбарлари ҳамда тadbиркорлар мамлакатимиз эришяётган натижаларга юксак баҳо бергани барчамизни гурурлантиради. Хусусан, Саноат устоналари ишлаб чиқарувчилар миллий уюшмаси — "SERCORBE"нинг Шарқий Европа ва МДХ мамлакатлари бўйича менежери Эктор Родригез Ўзбекистонни мева-сабзавот ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган етакчи давлатлардан бири сифатида қайд этиб, мамлакатимизнинг қўлай географик жойлашуви ҳамда чет эл инвесторларига яратилган имтиёз ва шароитларни алоҳида таъкидлади.

Шунингдек, "ICEX" компанияси директори Уринбосари Сонсолес Уидобро бугунги кунда Ўзбекистон миқтакада иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожланаётган ягона мамлакат эканини, бу европалак ишбилармонларга республикада муваффақиятли бизнес юритиш имконини беришини билдирди. Албатта, буларнинг барчаси юртимизда ушбу соҳани янада ривожлантириш борасида қўйилаётган комплекс чора-тadbирлар, олиб борилаётган тadbирчи ислохотлар самарасидир.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, мазкур ҳужжат давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим заҳиралари" мавзудаги халқаро конференциядаги нутқи, шунингдек, мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва

2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида белгиланган вазифаларни изчиллик билан амалга оширишга кенг йўл очади.

Яқинда бўлиб ўтган фракцияимиз йиғилишида мазкур қарорни амалиётга самарали татбиқ этишда фракция олдида турган вазифалар атрофида муҳокама қилиниб, бунда депутатлар ҳам фаол иштирок этиши, ўзларининг назорат функцияларидан унумли фойдаланишлари лозимлиги таъкидланди.

М. ҒАФУРОВА, **Э. ТУЛҚОВА,** Ўзбекистон «Миллий тикланиш» ДП фракцияси аъзолари.

9 МАЙ — ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

Табаррук ёшдаман. Мана, тўқсон уч баҳорни қаршиладим. Шукр, ўғил-қизлар ардоғида, кўни-кўшни, маҳалла-қўй эътибориданман. Ҳар қадамда давлатимиз эъзозу эҳтиромини ҳис қилиб яшапмиз.

зан ўша машум даврларни эслаб, тунлари уйкум қочади. Навқирон йигитларнинг эрта сўлгани,

Эъзоз умримизга умр қўшмоқда

авлод вакиллари давлатимиз ҳамда жамоатчилигининг доимий ҳаммуҳим оғушдамиз. Сал тобимиз қочғудек бўлса, барака топишин, шифокорлар ёнимиздан жилмайди. Сиҳат-оғоҳлар эшиги биз учун ҳаммиш очик. Байрамлар ҳам нурунийлар иштирокида ўтади. Сирасини айтганда, биз учун нима зарур бўлса, барчаси мухайё! Юртбошимиз Фармони бунинг яна бир қарра масала қувват бўлапти.

Дарҳақиқат, биз тенги авлоднинг пешонасига уруш, очлик йилларини кўриш эзилган экан. Баъ-

за вақтларда, вайронга айланган шаҳару қишлоқлар, бир бурда нонга зор болалар — буларни унутиб бўладими? Қолаверса, хозирги тинч ва фаровон ҳаёт ўз-ўзидан бўлган эмас. Шу боис до-риламол кунларга етказганга шукр, дейман. Юртдошларимизни, айниқса, ёшларимизни буларнинг қадрига етишга, осойишта ҳаётимизни кўз қорачи-гидек асраб-авайлашга қорлайман.

Назира ДАҒАЕВА, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси. Бухоро шахри

ЯРМАРКА

Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтида битирувчиларни ишга тақсिमлаш ва жойлаштириш мақсадида "Битирувчи — 2016" кўргазма-ярмаркаси ташкил этилди.

Унда вилоятда фаолият кўрсатаётган эллика яқин қорхона, ташкилот ҳамда таълим муассасалари мутасаддилари бўлиш ўринлари билан қатнашди.

— Бу йил муҳандислик-коммуникация қурилиши мутахассислиги бўйича диплом оламан, — дейди мазкур олий ўқув юрти талабаси Жасур Бердиев. — Тadbирда "Мароқанд газ лойиха сервис" масъулияти чекланган жамияти тақдирини менга маъқул тушди. Тез орада ушбу жамоада иш бошлайман.

Ярмарка давомида 831 нафар битирувчининг қарийб 550 нафарига танлаган йўналишлари бўйича ишга жойлаштирилиши учун йўлланмалар берилди.

Акрам ҲАЙДАРОВ.

ЛОГИСТИКА — ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНИ



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Логистика маҳсулот ва хизматларнинг ишлаб чиқарувчида истеъмолчига бўлган жараёнини оқилона бошқариш тизими бўлиб, унинг тури ҳам, вазифаси ҳам кўп қиррали, — дея сўзини давом эттиради А. Назаров. — Шу боис у ишлаб чиқариш, савдо-сотик, тақсимот-таъминот, молия, хизмат кўрсатиш, оғмоқ, ахборот каби ўнлаб устувор йўналишларга бўлинадики, улар орасида транспорт логистикаси етакчи ўринни эгаллайди. Чунки бугунги кунда ишлаб чиқариш ҳамда маҳсулот таннархида унинг ҳиссаси 40 фоизни ташкил этади.

Ўзбекистонда транспорт-коммуникация тармоқлари, шу жумладан, ҳаво йўллари изчил равишда топаляпти. Мазкур соҳа замонавий инфратузилма — илгор авиалапарк, юқори даражадаги хавфсиз ҳамда сифатли хизмат кўрсатиш, малакали кадрлар базасига эга. Хусусан, "Навий" аэропортида 2010 йилда ташкил қилинган "Kogean Air" авиакомпанияси Халқаро интермодал логистика марказининг салоҳияти тобора ошиб бораёпти. Хозирги кунда марказда кунига 300 тонна, иккинчи босқичда

риглан жойдан белгиланган манзилгача етказиб берилди, аниқроғи, мультимодал хизматлар кўрсатилади. Бунда контейнерлардан ҳам унумли фойдаланиляпти. Мутахассисларнинг айтишича, Ўзбекистонда ташки савдо юкларини контейнерда ташуш ҳажми кейинги 10 йил ичида 5-6 баравар кўпайган.

Интермодал логистика хабида хизмат кўрсатиш жараёни йил сайин такомиллашиб бораёпти. У Осийё Европа билан боғловчи асосий автомобиль ҳамда темир йўл тармоқлари чорраҳасида, географик жиҳатдан ниҳоятда қўлай нуктада жойлашганлиги туфайли қисқа мўддатда Марказий Осийёда энг йирик юк транзити қўналмасига айланди. Франкфурт, Милан, Рим, Вена, Брюссель, Инчөө, Дубай, Ханой, Тяньцзинь, Дехли, Мумбай каби шаҳарларнинг логистика марказлари билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатилгани, 2015 йилда юк ташуш ҳажми қарийб 36 минг тоннани ташкил этгани, логистика маркази ишта тушгандан бўён эса, бу кўрсаткич 230 минг тоннадан ортгани ана шундан далолат беради.

"Ангрен" логистика марказининг бугуни ва истикболи хусусида ҳам кўплаб залворли далилларни келтириш мумкин. Унинг фаолияти кўп жиҳатдан автомобиль транспорти хизмати билан боғлиқ. Бу хизмат хозирча юк ташушининг аксарият қисмини қамраб олган бўлса, кейинги йилларда магистралларимизни реконструкция қилиш, янгиликларни барпо этиш борасида амалга оширилаётган ишлар транспорт логистикаси раванкида ҳам муҳим роль ўйнаши, шубҳасиз.

— Агар тарихга назар соладиган бўлсак, — дейди Ўзбекистон Халқаро автомобилда юк ташувчилар уюшмасининг аъзоси хисобланади. Агар 2008 йилда бу компаниялар томонидан 560,2 минг тонна экспорт-импорт юклари ташилган бўлса, 2015 йилга келиб, мазкур

кўрсаткич 1583,2 минг тоннага етди, яъни 2,8 баробар ошди. Мазкур уюшма Автомобиль транспорти халқаро иттифоқидан, шунингдек, чет элдиги ташкилотлар олдида миллий юк ташувчиларимизнинг соҳа фаолиятига доир барча масала бўйича манфаатларини ифодалади ва ҳимоя қилади. Тегишли руҳсатнома ҳамда бошқа ҳужжатларга бўлган эҳтиёжларини кафолатлайди. Хусусан, Carnet-TIF дафттарчалари халқаро иттифоққа аъзо барча давлат ҳудудидан боғжона текширувларисиз ўтиш имкониятини яратди. Масалан,

лаш сингари хизматларни бажарувчи тизим шаклланмоқда. Бу эса, ўз навбатида, соҳада фаолият юритаётган мутахассисларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашни тақозо этади. Тошкент автомобиль йўллар институти, Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институти, Тошкент давлат иқтисодиёт университетидан соҳа учун малакали кадрлар тайёрланаётгани бу борада қўл келмоқда.

Тез орада Тошкент шаҳридаги Инҳа университетининг логистика факультети ҳам ўз эшикларини кўришга ошди.

Мамлакатимизда темир йўл логистикасини тараққий эттириш бўйича ҳам анча-мунча ишлар олиб бориляпти. Яқин пайтда қадар тadbиркор фермерларимиз юкларни ишлаб чиқарувчи ва етиштирувчида истеъмолчига етказишни ташкил этиш билангина чекланиб қелишар эди. Хозирги кунда эса қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини халқаро ҳамда ички йўналишларда ташуш бўйича "Эшиқдан — эшикка" тамойили асосида боғжонадан ўтказиш, қадоқлаш, сақ-

лаш сингари хизматларни бажарувчи тизим шаклланмоқда. Бу эса, ўз навбатида, соҳада фаолият юритаётган мутахассисларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашни тақозо этади. Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институти, Тошкент давлат иқтисодиёт университетидан соҳа учун малакали кадрлар тайёрланаётгани бу борада қўл келмоқда.

Тез орада Тошкент шаҳридаги Инҳа университетининг логистика факультети ҳам ўз эшикларини кўришга ошди.

Мамлакатимизда темир йўл логистикасини тараққий эттириш бўйича ҳам анча-мунча ишлар олиб бориляпти. Яқин пайтда қадар тadbиркор фермерларимиз юкларни ишлаб чиқарувчи ва етиштирувчида истеъмолчига етказишни ташкил этиш билангина чекланиб қелишар эди. Хозирги кунда эса қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини халқаро ҳамда ички йўналишларда ташуш бўйича "Эшиқдан — эшикка" тамойили асосида боғжонадан ўтказиш, қадоқлаш, сақ-

лаш сингари хизматларни бажарувчи тизим шаклланмоқда. Бу эса, ўз навбатида, соҳада фаолият юритаётган мутахассисларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашни тақозо этади. Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институти, Тошкент давлат иқтисодиёт университетидан соҳа учун малакали кадрлар тайёрланаётгани бу борада қўл келмоқда.

Тез орада Тошкент шаҳридаги Инҳа университетининг логистика факультети ҳам ўз эшикларини кўришга ошди.

Мамлакатимизда темир йўл логистикасини тараққий эттириш бўйича ҳам анча-мунча ишлар олиб бориляпти. Яқин пайтда қадар тadbиркор фермерларимиз юкларни ишлаб чиқарувчи ва етиштирувчида истеъмолчига етказишни ташкил этиш билангина чекланиб қелишар эди. Хозирги кунда эса қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини халқаро ҳамда ички йўналишларда ташуш бўйича "Эшиқдан — эшикка" тамойили асосида боғжонадан ўтказиш, қадоқлаш, сақ-

лаш сингари хизматларни бажарувчи тизим шаклланмоқда. Бу эса, ўз навбатида, соҳада фаолият юритаётган мутахассисларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашни тақозо этади. Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институти, Тошкент давлат иқтисодиёт университетидан соҳа учун малакали кадрлар тайёрланаётгани бу борада қўл келмоқда.

Тез орада Тошкент шаҳридаги Инҳа университетининг логистика факультети ҳам ўз эшикларини кўришга ошди.

Мамлакатимизда темир йўл логистикасини тараққий эттириш бўйича ҳам анча-мунча ишлар олиб бориляпти. Яқин пайтда қадар тadbиркор фермерларимиз юкларни ишлаб чиқарувчи ва етиштирувчида истеъмолчига етказишни ташкил этиш билангина чекланиб қелишар эди. Хозирги кунда эса қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини халқаро ҳамда ички йўналишларда ташуш бўйича "Эшиқдан — эшикка" тамойили асосида боғжонадан ўтказиш, қадоқлаш, сақ-

лаш сингари хизматларни бажарувчи тизим шаклланмоқда. Бу эса, ўз навбатида, соҳада фаолият юритаётган мутахассисларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашни тақозо этади. Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институти, Тошкент давлат иқтисодиёт университетидан соҳа учун малакали кадрлар тайёрланаётгани бу борада қўл келмоқда.

Тез орада Тошкент шаҳридаги Инҳа университетининг логистика факультети ҳам ўз эшикларини кўришга ошди.

Мамлакатимизда темир йўл логистикасини тараққий эттириш бўйича ҳам анча-мунча ишлар олиб бориляпти. Яқин пайтда қадар тadbиркор фермерларимиз юкларни ишлаб чиқарувчи ва етиштирувчида истеъмолчига етказишни ташкил этиш билангина чекланиб қелишар эди. Хозирги кунда эса қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини халқаро ҳамда ички йўналишларда ташуш бўйича "Эшиқдан — эшикка" тамойили асосида боғжонадан ўтказиш, қадоқлаш, сақ-

Абдурауф ҚОРЖОВОВ, шарҳловчи.

ЖАХОН 24 СОАТ ИЧИДА

"Google" компанияси жорий йил биринчи чорагида 20,26 миллиард АҚШ доллари миқдориди даромад кўрди.

Ўсиш бор

Ваҳолонки, аввалроқ тахлилчилар мазкур бренд ушбу даврда 20,38 миллиард доллар маблаг ишлаб топишни прогноз қилишганди. Лекин ўтган йилнинг шу даврида бу борадаги кўрсаткич 17,26 миллиард долларни ташкил этгани инobatга олинса, ихобий ўсишга эришилган.

"Microsoft" корпорациясида даромад ҳажми 22,1 миллиард АҚШ долларига тенг бўлди.

Энг харидоргир спорт машинаси

Ўтган йили дунё бўйича энг кўп сотилган спорт автомобиллари рўйхати эълон қилинди.

Мазкур жадвалда биринчи ўрин икки эшикли "Ford Mustang" моделига насиб этди. Бу ҳақда "IHS Automotive" манбаси хабар берди.



томонидан харид қилинган.

2015 йили мазкур автоуловлардан 141 минг 868 таси миқозлар

Банкротлик ёқасида

Муқобил энергетика соҳасидаги энг йирик "SunEdison" (АҚШ) компанияси банкротлик ёқасига келиб қолди.



Боиси, унинг активлари ҳажми 20,7 миллиард доллар бўлиб тургани ҳолда, 16,1 миллиард доллар қарздорлиги мавжуд. Бунга нефть нархининг тушиб кетиши оқибатида қайта тикланувчи энергия тармоғидаги лойиҳалар рентабеллиги пайсагани асосий сабаб сифатида кўрсатилмоқда.

Мазкур компаниянинг бир дона акцияси нархи апрель ойига келиб 1 доллардан ҳам арзонлашиб кетди.

Эгилади, букилади, лекин синмайди

Хитойнинг "Pipo" компанияси томонидан ўзига хос ихчам ва букланадиган компьютер яратилди.



"KB2" деб номланган мазкур қурилма "Windows 10 Home" операцион тизимида ишлайди. У 4 ядроли процессор, 2/4 гигабайтли оператив хотирага эга бўлиб, "USB 2.0", "Bluetooth", "WiFi" каби симли ҳамда симсиз интерфейслар тўпламига

улана олади. Мазкур технологик воситага 32/64 гигабайтли флеш карта ўрнатиш мумкин.

Тақинчоқми ёки ширинлик?

Италиянинг қимматбаҳо буюмлар, соатлар, атторлик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Bulgari" компанияси турли ширинликлар шаклидаги янги товарлари тўпламини омма эътиборига ҳавола қилди.



Конфет, обакидандон, музқаймоқ кўринишидаги аксессуарлар оқ ва сариқ тилла, ёқут, аметист каби ноёб тошлар билан зийнатланган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

ҚАРОР ВА ИЖРО

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан чет тилларни ўқитиш тақомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар таҳлилига бағишланган анжуман ўтказилди.

Чет тилларни ўқитиш тизими тақомиллашмоқда

Унда сўзга чиққан Халқ таълими вазири У. Иноятов Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори навқирон авлоднинг хорижий тилларни чуқур ўзлаштиришини таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатларни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишда асосий омил бўлаётганини таъкидлади.

Мазкур ҳужжатга кўра, 2013/2014 ўқув йилидан бошлаб барча умумтаълим мактабларининг 1-синф ўқувчилари учун чет тилларни ўргатиш йўлга қўйилди ва янги давлат таълим стандартлари, ўқув кўланмалар, дарсликлар яратилди. Шунинг ҳам айтиш жоизки, 1-синфларда хорижий тил машғулотлари ўйин тарзида ҳамда оғзаки нутқ дар-

си шаклида, иккинчи синфда эса алифбо, ўқиш ва грамматикани ўзлаштириш тарзида ўтиломоқда. Синф хоналарининг компьютер, видеопроектор, телевизор, DVD, монитор ҳамда кўргазмалар қуруллар билан жиҳозлангани эртамиз эгаларининг сабоқларни тез ва пухта ўзлаштиришига ёрдам берапти.

Айни пайтда республикамиздаги 9692 та умумтаълим мактабда чет тиллари, жумладан, 8 минг 543 умумтаълим мактабда инглиз тили фани ўқитилапти. 2015/2016 ўқув йили учун 1-синф ўқувчиларига мўлжалланган 641 минг нусха инглиз тили, 26 мингдан зиёд немис тили, 20 минг нусха француз тили дарслиги, машқ дафтарлари чоп этилди. Эътиборлиси, мазкур дарсликлар маҳаллий муаллимлар томонидан хорижлик мута-

хассислар кўмагида болаларнинг психологик ҳамда ёш хусусиятлари инobatга олинган ҳолда яратилган. Дарсликлар Тошкентдаги Британия кенгаши, Гёте институти ва Франция элчихонаси билан ҳамкорликда эксперт-



Шевролет ШАРАПОВ отириб сўради.

Тадбирда 4-синф ўқувчилари учун тузилган чет тили дарсликларига мажмуасининг тақдимоти ҳам ўтказилди.

— Бошлангич синфлар учун мўлжалланган "Kids' English" дарслигининг тўртта авлоди ҳам тақрибадан муваффақиятли ўтди, — дейди дарслик муаллифи Лутфулла Жўраев. — Унинг афзаллиги шундаки, чет тили турли расмлар, ўйинлар орқали ўргатилади. Шунингдек, ўқув кўланма билан бирга, машқ ва уйга вазифалар дафтари ҳам яратилган.

Илгирлиш иштирокчилари пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги 90-умумтаълим мактабиди

бўлиб, у ерда ташкил этилган чет тили фестивалида фанларнинг ўқитилиши билан танишди. "Kids' English" китоби асосида ўтилаётган дарсликни қўзғатишди. — Дарслик нафақат ўқувчи, балки уларнинг ота-оналари, қолаверса, биз учун ҳам гоят қулай, — дейди Сергели туманидаги 300-мактаб ўқитувчиси Саъдулла Музаффаров. — Бугун биз ўқувчилар билан "English in the music world" мавзусида машғулот ўтдик. Очиғи, ўйин, мусиқа, турли расмлар билан олиб борилаётган дарслар ўғил-қизлар учун мароқлидир.

Мавжуда ХОЛМАТОВА.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ БОЖХОНА БОШҚАРМАСИ

«Сариосиё» чегара божхона комплексига ҳамда «Термиз» аэропорти божхона постларига, жами 37 донга кузатув камерасидан иборат бўлган видеоназорат тизимини ўрнатиш учун зарур компьютер техникалари, кузатув камералари, алоқа кабеллари ҳамда электр техника жиҳозлари хариди бўйича танлов эълон қилади.

Таклифлар техник ва тижорат қисмларига ажратилган ҳолда, хар бир алоҳида божхона пости учун ёпиқ конвертда ҳамда устки қисмига «Сурхондарё вилояти божхона бошқармаси «Сариосиё» чегара божхона комплекси ва «Термиз» аэропортига видеоназорат тизимини ўрнатиш учун зарур бўлган компьютер техникалари, кузатув камералари, алоқа кабеллари ҳамда электр техника жиҳозларини харид қилиш бўйича танловга» сўзлари ёзилган ва муҳрланган ҳолда топширилиши керак.

Таклифларнинг техник ҳамда тижорат қисмлари конвертлари устига мос равишда «Техник қисм» ва «Тижорат қисми» сўзлари ёзилган бўлиши шарт.

Танлов бўйича таклифлар оммавий ахборот воситаларида эълон чоп этилган санадан эътиборан 25 кун мобайнида қабул қилинади.

Танлов ҳужжатларини олиш ва қўшимча маълумотлар учун Сурхондарё вилояти божхона бошқармасига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

Термиз шаҳри, Султон Саодат кўчаси, 286-уй. Телефонлар: (0-376) 225-01-73, 225-26-05, (+99890) 644-75-00.

«KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Сирдарё вилояти филиали

бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиди ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Ховос тумани СИБ томонидан Сирдарё вилояти ҳўжалик судининг 2014 йил 6 октябрдаги 12-1403/10467-сонли суд буйругига асосан хатланган, Ховос тумани, «Пахтакор» ҚФЙ, «Ўзбекистон мустақиллигининг 5 йиллиги» СИУ худудида жойлашган, «Нодира» фермер ҳўжалигига тегишли, 1 қаватли молхона ва бошқа иншоотлар бошлангич баҳоси арзонлаштирилган ҳолда тақдоран қўйилмоқда.

Бошлангич баҳоси — 356 277 926 сўм. Аукцион савдоси 2016 йил 10 май куни соат 11.00 да Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси мажлислар залида бўлиб ўтади. Аризалар иш

кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2016 йил 6 май куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'shmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сирдарё вилояти филиалининг АТ «Асака» банки Сирдарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609006, МФО: 00373, СТИР: 207122519.

Манзил: Гулистон шаҳри, Ўзбекистон шохкўчаси, 3-уй, 3-қават, 58-хона. Телефон: (0-367) 226-38-91. www.1kms.uz Хизматлар лицензияланган.

«KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси Бош филиали

бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиди ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

Аукцион савдосига Қорақалпоғистон Республикаси Беруний тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Қорақалпоғистон Республикаси ЖИБ Беруний тумани судининг 2015 йил 24 августдаги ижро варақасига асосан хатланган, Беруний тумани, «Шимом» ОФЙ худудида жойлашган, умумий майдони 1413,36 кв.м. бўлган, 1992 йилда қурилган инкубаторий биноси тақдоран қўйилмоқда.

Бошлангич баҳоси — 745 223 003 сўм 10 тийин. Аукцион савдоси 2016 йил 10 май куни соат 15.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2016 йил 5 май куни соат 18.00. Мазкур

кўчмас мулк 2016 йил 10 май куни сотилмай қолган тақдирда, унинг тақдорий савдоси 2016 йил 25 май куни соат 15.00 да бўлиб ўтади.

2016 йил 25 май куни бўлиб ўтадиган аукцион савдосига аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2016 йил 23 май куни соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'shmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси Бош филиалининг АТ «Туронбанк» Нукус филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504920609003, МФО: 00585, СТИР: 207122519.

Савдо ўтказиладиган манзил: Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, А. Шамуратова кўчаси, 117-«Б» уй, 2-қават. Телефон: (0-361) 222-84-44. www.1kms.uz Хизматлар лицензияланган.

«Jizzax mulk markazi» МЧЖ

бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиди ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

1. Аукцион савдосига Пахтакор тумани СИБ томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар Юнусобод тумани судининг 2013 йил 21 августдаги 1/403-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Пахтакор тумани, «Галаба» МФЙ худудида жойлашган, «Ferretti Elektroniks» МЧЖга тегишли, нотурар бинада сақланаётган мол-мулклар, 33 турдаги музлаткич ишлаб чиқариш ускуналари қўйилмоқда.

Бошлангич баҳоси — 4 618 993 566 сўм.

2. Аукцион савдосига Фаллаорол тумани СИБ томонидан Жиззах вилояти ҳўжалик судининг 2015 йил 21 декабрдаги 13-1501/18407-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Фаллаорол метан газ» МЧЖга тегишли, Фаллаорол тумани, «Гўбдин» ҚФЙ худудида жойлашган, автомобилларга сиқилган газ қуйишга мўлжалланган қуйидаги ускуна ва жиҳозлар қўйилмоқда:

— QXMG №001704-сонли гувоҳномага кўра тегишли бўлган, 2013 йилда ишлаб чиқарилган, «UZ02B-001 ZW-4.36/3-250JX» русумли компрессор; — QXMG №001706-сонли гувоҳномага кўра

тегишли бўлган, 2013 йилда ишлаб чиқарилган, «JXT-2000/25 BLOK OSHUSHNI» русумли ускуна;

— QXMG №001707-сонли гувоҳномага кўра тегишли бўлган, 2013 йилда ишлаб чиқарилган, «023 JXSP-750» русумли аккумулятор блок пульт бошқаруви ускуналари ва жиҳозлари.

Жами бошлангич баҳоси — 200 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 25 май куни соат 11.00 да ўтказилади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2016 йил 23 май куни соат 18.00.

Мазкур мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Jizzax mulk markazi» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Жиззах вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 22626000304946058001, МФО: 00122, СТИР: 302149531.

Манзил: Жиззах шаҳри, Шароф Рашидов кўчаси, 39-уй. Телефон: (0-372) 222-35-77. www.rmm.uz Гувоҳнома № 004399.

«KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси Бош филиали

бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиди ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Қорақалпоғистон Республикаси Беруний тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик судининг 2015 йил 20 ноябрдаги 23-1503/11813-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Беруний тумани, Серкўёш кўчаси, рақамсиз уйда жойлашган, умумий майдони 784,22 кв.м., жами 35 та хонадан иборат бўлган 2 қаватли маъмурий бино қўйилмоқда.

Бошлангич баҳоси — 305 539 400 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 25 май куни соат 15.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан

16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2016 йил 23 май куни соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'shmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси Бош филиалининг АТ «Туронбанк» Нукус филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504920609003, МФО: 00585, СТИР: 207122519.

Савдо ўтказиладиган манзил: Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, А. Шамуратова кўчаси, 117-«Б» уй, 2-қават. Телефон: (0-361) 222-84-44. www.1kms.uz Хизматлар лицензияланган.

Тошкент автомобиль-йўллар институти жамоаси Ижтимоий фанлар кафедраси мудири Равшанбек Худойберганаов отаси Худойберган ЭПЧАНОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

Тошкент молия институти жамоаси Фалсафа ва Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти кафедраси доценти Бахтур Дамбакиева тузриш ўртоғи Шанам ЮНУСОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

Онажоним — табиат



Қуёш ҳамал буржидан савр томон оғмоқда. Демак, шамсия йил тақвимида кўра, савр оғи бошланаяпти. Бу ой кирганини об-ҳаводан илғаб олса бўлади. Негаки, унинг ҳавоси баъзан яхшигина исиб, ёзга ўхшаб кетса, баъзида ҳарорат пастлаб, ёнғингарчилик мўл бўлади. Шу боис халқимиз “Саврнинг саногиди қишнинг ёғини бор”, дейди.

Ушбу пайтда она-табиат ўзининг бор кўрку тароватини кўз-кўз эта бошлайди. Қийғос очилган лолаю қизгал-

доқлар, чучмомаю момақай-моқлар дала-дашга шундай зеб берадики, уни сўз билан таърифлаш мушкул. Дов-дархатлар эса яшил либосга бурканиб, боғлар файзу бараккага тўлади.

Мусаффо осмонимиз узра қушларнинг аргимчоқ солиб учуши, дилга хуш ёқувчи хонишлари ҳар қадамда кўклам нафасини эслатиб туради. Иссиқ ўлкалардан алақачон қайтиб келган паррандалар галаси тинч ва осойишта ўлкамизда ин қуриб, макон

тикмоқдаки, бу юртимиз табиатини янада жилвакор қилмоқда.

Савр — дехқону чорвадорларнинг қизгин иш даври. Зеро, у пишиқчилик мавсуми бошланиши оғи ҳамдир. Чунки эртаки картошка, карам, сабзи, шолғом, бодринг тарозиға тушади, гилос ранг олиб, тут ҳамда қудуннай пишади. Бошқа экин-тикинлар эса барқ уриб ўсади. “Савр кирди — экилларга давр кирди”, дейишлигининг боиси ҳам ана шунда.

БАТАН МАНЗАРАЛАРИ

Савр ойининг қулай об-ҳавоси чўл табиатига ҳам қайта жон бағишлайди. Унинг ҳаётбахш ёмғирлари замин бағрида мудраб ётган гулу гиёҳларни уйғотиб юборади. Натижада зумда теварак-атрофни турфа чечаклар қоплайди.

Денгизкўл хазинаси

Бундай пайтда юртимизнинг сувли-ботқоқли худудларида ҳам ҳаёт қайнайдди. Кўклам жаласидан сув сатҳи кўтарилган кўлларида узоқ ўлкалардан учиб келган қушлар кўнм топса, унга туташ чангалзорларда чўл жониворлари кўпая бошлайди. Чунки табиатнинг бундай ноёб тўхфаси қушлар, сув жониворлари ва ўсимликлар ривожига қулай табиий муҳит ҳисобланади.

Олот тумани марказидан 35 километр жанубда жойлашган Денгизкўл табиати бунга яққол мисол бўла олади. У қадимдан сир-синоатларга бой, шифобахш кўл саналади. Ҳозирги кунда ушбу ҳавза худудида халқаро ҳамда Ўзбекистон “Қизил китоб”ига киритилган ноёб қушларнинг ўндан зиёд турлари учрайди. Айниқса, кичик қоравой, кичик оққўтон, қошиқбурун, виширдоқ оққуш, мрамр ўрдак, олақанот ўрдак, Зарафшон кирғовули, йўрга тувалоқлар бу ерда кўнм топиб, беҳавотир кўпаймоқда.

Буёқ Британия қушларни муҳофаза қилиш қиролик жамияти ана шу жихатлари инобатга олган ҳолда, Денгизкўл ва вилоятимиздаги Зикри, Хадича, Қорақир, Оёқитга мўл қушлари, шунингдек, “Когои” балиқчилиги хўжалиги ҳавзасини “Мўҳим орнитологик ҳудуд” дея эълон қилди. Пировардида уларнинг барчаси халқаро аҳамиятга молик гўша сифатида қушлар муҳофазасини ташкил этиш марказлари қаторига киритилди.

Дарҳақиқат, биологик хилмаҳиллини сақлашда Денгизкўл мўҳим аҳамиятга эга. Олиб борилган тадқиқотлар натижаси республикамизда қишлоқ қушларнинг 40 фозидан зиёда мазкур осойишта макон ҳиссасига тўғри келишини тасдиқламоқда.

Хадича кўлида эса



этилиб, аҳолига лўқмаи ҳалол етказиб берилаяпти. Бошқача айтганда, кўллар нафақат экологик мувозанатни сақлаш, балки озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда ҳам тобора долзарб аҳамият касб этаётди. Шуларни инобатга олган ҳолда, мавжуд кўлларида мунтазам тарзда орнитологик тадқиқотлар олиб бориш фойдадан холи эмас. Айниқса, қушларнинг кўпайиш мавсумида кўлларида сув сатҳининг биёр меъёрида бўлишини таъминлаш ўта мўҳим. Ана шунда хавзаларимиз бундан кейин ҳам юртимиз бетакорр табиатининг ажралмас қисми сифатида келгуси авлодлар эъзозид бўлади.

Анвар НИЁЗОВ,
Бухоро вилояти табиати муҳофаза қилиш қўмитаси раиси.

Шаршара «сочи»ни ёйганда кўринг

Кўклам сепини ёйган айна шу кунларда табиат кўйинига сайру саёҳатга чиқсангиз, юртимизнинг нақадар гўзал ва мафтункор эканлигига ишонч ҳосил қиласиз. Айниқса, Марказий Осиёдаги энг йирик муҳофаза этилаётган табиий худудлардан бири ҳисобланган “Ҳисор” давлат кўриқхонасига келган киши ўзини худди табиатнинг бир бўлагидек ҳис қилади.

Пир-пир ота қояларидаги қорлар эришидан юзага келади. Унинг бундай номланишига эса тепаликдан катта тезликда тунашаётган сув зарралари шамолда от думининг ҳилпирашига ўхшаш манзара кашф этгани сабаб бўлган экан.

ХАЙРАТ

Хавоси мусаффо, иқлими мўтадил ушбу гўша ноёб ўсимлик ҳамда ҳайвонот дунёси билан маълумо машҳур. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бу сервус дарё, кўл ҳамда шаршараларнинг сероблиги туфайлидир. Сабаби, обиҳаёт манбалари бир хил ҳарорат таъминланишида мўҳим аҳамиятга эга.

Чиндан ҳам, бирлашган ҳолда Қашқадарё дарёсини ҳосил қиладиган Оқсув, Танқоздарё ва Қизилдарё шу ерда мавжлана бошлайди.

“Дарё сувини баҳор тоширар”, деганлари рост экан. Шу кунларда худуддаги барча сой ирмоқлари тўлиб-тошиб оқмоқда.

Улар дарё ўзанларига келиб қўшилганига қадар, кўплаб шаршаралар пайдо қилганки, ҳар бирини ҳеч иккиланмасдан “табиат мўъжизалари”, деб аташ мумкин. Масалан, катта қоятош ҳамда арчазорлар орасида жойлашган Сувтушар мамлакатимиздаги энг узун ва сервус шаршара ҳисобланади. Унинг баландлиги 84 метр бўлиб, кўклам ойларида сонисига 5-6 куб метр сув отилиб тушади. Шу жараёнда ҳосил бўлган заррачалардан ажиб манзаралар шаклланиб, камалаксимон товланиши кўзни қувонтиради.

Шаршара узоқроқдан янада маҳобатли, янада

МАЗКУР ШАРШАРАДАН СОЙ ОҚИМИ БЎЙЛАБ 1-1,5 КИЛОМЕТР ЙЎЛ БОССАНГИЗ, ЯНА БИР ҲАЙВОТ ШАРШАРАГА ДУЧ КЕЛАСИЗ. У 35 МЕТР БАЛАНДЛИКДАГИ ТИК ҚОЯНИНГ ҲЎКИЗ БУРНИГА ЎХШОВЧИ ИККИТА ТИРҚИШИДАН ОТИЛИБ ЧИҚҚАНИ УЧУН “ҲЎКИЗ БУРУН” ДЕБ АТАЛАДИ. УНДАН ТУШАЁТГАН СУВНИНГ ҲАЖМИ БАҲОР ВА ЁЗ ФАСЛЛАРИДА 1 КУБ МЕТРНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ.

Узунлиги 17 — 20 километрни ташкил этувчи Қалъаи Шерон сойи кўриқхонанинг “Қизилсув” бўлими худудидан оқиб ўтади. Унинг қирғоқларида 100 — 150 ва ҳатто 300 метргача етадиган тик қоялар мавжуд. Байтал думи шаршараси сойнинг ўнг қирғоғидаги улкан қоядан отилиб тушади.

Кўриқхона илмий ходими Толмас Аромовнинг айтишича, ушбу шаршара йилнинг фақат апрель ва май ойларидагина пайдо бўлади. Чунки у денгиз сатҳидан 4000 метрдан юқори баландликда жойлашган Ҳўжа

Шаҳар латофати, кўклам ифори

Мамлакатимизда ҳар йили кенг кўламда амалга ошириладиган кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ойлари юртимиз табиатини ўсимликларнинг янги турлари билан бойитмоқда. Сабаби, шаҳару қишлоқларда яшил худудлар барпо этишда ландшафт дизайни асосида манзарали дарахт ҳамда буталарнинг янги навларидан фойдаланилаяпти.

ОБОДЛИК

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси генофонди институтининг Ботаника боғида айна шу йўналишда излашлар олиб борилиб, наботот оламининг ноёб турлари, шакллари ҳамда навлари яратилмоқда, доривор ўсимликларнинг интродукция (иклимлаштиришнинг дастлабки босқичи) синовлари ўтказилмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, қисқа вақт ичида уларнинг кўчатларини кўпайтириш технологиялари ҳам ишлаб чиқилди. Олинган дастлабки натижалар эса кишини қувонтиради.

Гап шундаки, ҳозирги кунда Тошкент шаҳрини кўкаламзорлаштиришда мутахассисларимиз томонидан яратилган ва маҳаллийлаштирилган кўплаб манзарали дарахт ҳамда буталарни экин тавсия этилаяпти. Жумладан, лола дарахти, шойи акацияси, оқ гулли акация, йирик баргли жўжа, чинор баргли фирмиана, темир дарахт, икки қарра патли кельрейтерия, Ҳиндистон настарини, дурагайли гибикус, Суланжа магнолияси, ялтироқ баргли лигуструм, япон лигуструми, тўқ сариқ пироканта, қизил мевали пироканта, қора маржон, гуллоғчи каликант, япон беҳиси шулар сирасига киради.

Эътиборли жиҳати, ушбу ўсимлик турлари нафақат шаҳар қиёфасини гўзаллаштириш, балки экологиясини яхшилашга хизмат қилиши билан ҳам алоҳида ажралаб туради. Айниқса, тавсия этилаётган бута ва чалабуталарнинг айримлари март-апрелда чаман бўлиб гулласа, бошқаларида бу ҳол май-июнь, қолганларида эса июль-август ойларида тўғри келади.



Энг мўҳими, улар ҳар бир худудга мос ландшафт дизайни асосида экилган тақдирда, йил давомида гўзал манзара ҳосил қилиб, баҳридинлигини оқади. Шаҳару қишлоқларимиз эса янада обод ва гўзал бўлиб бораверади.

Рустамжон АЛЛАБЕРДИЕВ,
Тошкент Ботаника боғи Дарахт ва ўт-ўсимликлар интродукцияси лабораторияси мудири, биология фанлари номзоди.

Маликчўл тувалоғи

Орнитологларнинг айтишича, қушларнинг кўпайиш даври баҳор фасли, аниқроғи, март-апрель ойларида тўғри келади. Шу боис кўклам палласида Маликчўл худудидида ҳам паррандалар галасини учратиш оддий ҳолга айланади. Айниқса, дунё бўйича сони тобора қисқариб кетаётган йўрга тувалоқ тез-тез кўзга ташланаётгани қувонарли ҳолдир.

сининг Ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилиш инспекцияси бош мутахассиси Панжи Рўзиқулов. — Шундан келиб чиқиб, ўтган давр мобайнида муайян ишлар амалга оширилди. Энг аввало, кўриқхона замонавий техника воситалари билан тўлиқ таъминланиб, қушларни парвартириш учун вольтерлар қурилди. 2015 йилда



С. ИБОДУЛЛАЕВ.

ИЗЛАНИШ

Гап шундаки, ўтган йили Навоий вилоятида юртимиз “Қизил китоб”ига киритилган ушбу ноёб қушнинг мингтаси табиат бағрига қўйиб юборилди. Мазкур эгзу иш Кармана туманида фаолият кўрсатаётган “Emirates Cent for Conservation of Houbara” нодавлат нотижорат ташкилоти томонидан амалга оширилди. Навоий шайхридан 30 километр Жануби-Ғарбда, Маликчўл худудидида жойлашган ушбу кўриқхонага 2007 йилда асос солинган.

Йўрга тувалоқ қурғоқчил шароитга мослашган бўлиб, асосан, очиқ ва буталар мавжуд чўл худудларида яшайди. Шу боис кўриқхона бу қушлар табиий кўпайиши қулай бўлган худудда, 300 гектар майдонда барпо этилди.

— Лойиҳадан кўзланган асосий мақсад ҳам Ўзбекистонда йўрга тувалоқнинг кўпайишини кўллаб-қувватлашдир, — дейди вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси

БАҲОР НЕЪМАТЛАРИ

эса паррандаларни соғломлаштириш маркази ҳам фаолият бошлади. Бу каби тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси генофонди институтининг мутахассислари билан бамаслаҳат олиб борилаётгани қутулган натижани бермоқда.

Ҳозирги кунда “Emirates Cent for Conservation of Houbara” марказида парвартиришга берилган йўрга тувалоқлар сони 2,5 мингтадан ошди. Улар ёввойи табиатга мослаштирилиб, босқичма-босқич учурилаяпти. Агар дастлабки пайтда йилга ўртача 100 та қуш табиат кўйинига қайтарилган бўлса, жорий йилда мазкур кўрсаткичи 1,5 мингтага, 2018 йилдан эътиборан эса 2,5 мингтага етказиш кўзда тутилган.

Бу юртимизда биохилмаҳиллини таъминлаш йўлида кўрилатган изчил чора-тадбирларнинг юксак самараларининг яққол далолатидир.

Азамат ЗАРИПОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

Ҳам малҳам, ҳам таом

Бу ўсимлик — баҳорнинг илк неъматларидан бири. У ўлкамизнинг кўнгида худудларида, тоғ ёнбағирларидаги ўтлоқларда, далаларда ўсади.

Мазкур наботот намунасининг дориворлик хусусиятлари қадим замонлардан маълум. Абу Али ибн Сино унинг баргидан тайёрланган қайнатмани йўталга қарши, балғам кўчирувчи, сафро хайдовчи, қувват бағишловчи восита сифатида тавсия этган. Баргидан тайёрланган малҳам эса оғриқ қолдириш хусусиятига эга.

Баҳорда исмалоқнинг мурғак новда ва барглари ялпиз, отқулоқ, жағжағ, момақаймоқ, лимонўт (мелисса) гиёҳларини қўшиб, қўқатли чўвара, сомса, варақи ҳамда бошқа қувватбахш таомлар тайёрланади.

Замонавий тиббиётда исмалоқни камқонлик ва мечал касалликларига малҳам, шунингдек, парҳез таом ҳамда сервитамин неъмат сифатида тавсия этилади.

Халқ табиатида эса исмалоқ баргидан тайёрланган дахлама камқонлик, томоқ, ўпка ва асаб касалликларига даво ҳисобланади. Шунингдек, у ел ҳамда пешоб хайдовчи беозор оғил ҳамдир.

Демак, соғлом бўлай, десангиз, исмалоқни тановул қилинг.

Дано ХЎЖАЕВА,
олий тоифали дорихонаси.

ЭНГ, ЭНГ, ЭНГ... Энг кўп ёмғирли кун Гавайининг Уан-аль-аль тоғида қузилган экан. Бу ерда йилнинг 350 кунда ёмғир ёғади.

Энг катта дўл АҚШнинг Канзас штатида ёққан. Унинг ҳар бир донаси оғирлиги 700 грамм тош босган.

Атакама саҳросида ёнғингарчилик энг кам қузилди. Йиллик ёғин миқдори 8 миллиметрдан ошмайди.

Халқ сўзи
Народное слово

Муассислар:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Ғ — 467. 116 473 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

Технически редакция: 0001-0001

Тираж: 100000

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — С. Махсумов.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — А. Султонов.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.45 Топширилди — 22.30 1 2 3 4 5 6